

хўжалик юритувчи субъектнинг маълум бир даврдаги молиявий фаолиятдан олинган натижалар ва самарадорлик кўрсаткичлари, даромадларни шакллантириш, харажатларни бош-

қариш, рентабеллик, ликвидлик ва ташкилотнинг умумий молиявий ҳолатининг энг юқори нуқтасини ифодалайди.

**Манба ва фойдаланилган адабиётлар:**

1. [https://en.wikipedia.org/wiki/Financial\\_result](https://en.wikipedia.org/wiki/Financial_result)
2. Гетьман В.Г. Бухгалтерский учет. Учебник. / Под ред. проф. В.Г.Гетьмана. 2-е изд., перераб. и доп. – М.: ИНФРА-М, 2017. – 601 с.
3. Ефимова О.В. Анализ финансовой отчетности. Учебное пособие для магистров. / О.В.Ефимова [и др.]. – М.: Омега-Л, 2013. – 388 с.
4. Бочаров В.В. Инвестиции. Учебник и практикум для академического бакалавриата. / В.Е.Леонтьев, В.В.Бочаров, Н.П.Радковская. – М.: Издательство Юрайт, 2016.
5. Савицкая Г.В. Анализ хозяйственной деятельности предприятия. Учебное пособие. / Г.В.Савицкая. – М.: ИНФО, 2014. – 377 с.
6. Крейнина М.Н. Финансовый менеджмент. Учебное пособие. – М.: Дело и Сервис, 2009. – 245 с.
7. Селезнева Н.Н. Финансовый анализ. Управление финансами. Учебное пособие. / Н.Н.Селезнева, А.Ф.Ионова. – М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2015. – 639 с.
8. Балабанов И.Т. Анализ и планирование финансов хозяйствующего субъекта. Учебное пособие. / И.Т.Балабанов. – М.: Финансы и статистика, 2014. – 276 с.
9. Ковалев В.В. Финансовый учет и анализ: концептуальные основы. Монография. / В.В.Ковалев. – М.: Финансы и статистика, 2004. – 720 с.
10. Степаненко Е.И. Отчет о финансовых результатах в свете российских и международных стандартов бухгалтерского учета. / Е.И.Степаненко. // Вестник Российского государственного аграрного заочного университета. 2013. Т. 19. № 14. С. 194-199.
11. Бланк И.А. Управление прибылью. / И.А.Бланк. 3-е изд., перераб. и доп. – Киев: Ника-Центр, 2007. – 768 с.
12. Великая Е.Г. Стратегический потенциал и рентабельность организации. / Е.Г.Великая, В.В.Чурко. // Вектор науки Тольяттинского государственного университета. Серия: Экономика и управление. 2014. № 2 (17). С. 7-9.
13. Курилова А.А. Формирование системы финансового планирования на предприятиях автомобильной промышленности. / А.А.Курилова. // Экономический анализ: теория и практика. 2011. №36. С. 18-26.
14. Толкачева Н.А. Финансовый менеджмент: курс лекций. / Н.А.Толкачева. – М.: Директ-Медиа, 2014. – 144 с.
15. Ануфриев В.Е. Бухгалтерский учет основных средств, капитала и прибыли. Учебное пособие. / В.Е.Ануфриев. – М.: Бухгалтерский учет, 2012. – 112 с.
16. Соколов Я.В. Управленческий учет. Учебное пособие. / Я.В.Соколов. – М.: Магистр, 2011. – 428 с.
17. Вагазова Г.Р. Сушность финансовых результатов деятельности предприятия. / Г.Р.Вагазова, Е.С.Лукьянова. // Молодой ученый. 2015. № 11.3. С. 13-15.
18. Чуев И.Н. Комплексный экономический анализ финансовохозяйственной деятельности. Учебник. / И.Н.Чуев, Л.Н.Чуева. – М.: Дашков и Ко, 2013. – 384 с.
19. Шеремет А.Д. Методика финансового анализа деятельности коммерческих организаций. / А.Д.Шеремет, Р.С.Сайфулин, Е.В.Негашев. 2-е изд., перераб. и доп. – М.: Инфра-М, 2016. – 208 с.
20. Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисобининг 3-сонли БҲМС – «Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот» миллий стандарти [Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 1998 йил 26 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами: 484].



**ЭКОЛОГИК АУДИТНИНГ БУГУНГИ КУНДАГИ ДОЛЗАРБЛИГИ**

**Мисиров Комолиддин Мамасабирович -**  
Фискал институт Бухгалтерия  
ҳисоби ва аудит кафедраси доценти, и.ф.д.

[doi.org/10.55439/ECED/vol24\\_iss3/a25](https://doi.org/10.55439/ECED/vol24_iss3/a25)

**Аннотация.** Ушбу мақолада экологик аудит дунё мамлакатларида барқарор ижтимоий-иқтисодий ривожланишини таъминлаш, атроф-муҳитга антропоген таъсирини камайтириш, экологик муаммоларни бартараф қилиш ва мамлакат иқтисодиётини барқарор ривожланишида иқтисоди ривожланган давлатлар тажрибаларини ўрганилган.

**Калит сўзлар:** экология, атроф-муҳит, экологик иқтисод, экологик экспертиза, экологик назорат, аудит, экологик аудит ва экологик харажатлар аудити.

## АКТУАЛЬНОСТЬ ЭКОЛОГИЧЕСКОГО АУДИТА НА СЕГОДНЯШНИЙ ДЕНЬ

**Мисиров Комолиддин Мамасабирович -**  
Фискальный институт кафедры  
Бухгалтерского учета и аудита д.э.н., доц.,

**Аннотация.** В данной статье рассматривается опыт экономически развитых стран по обеспечению устойчивого социально-экономического развития стран мира с помощью экологического аудита, снижения антропогенного воздействия на окружающую среду, устранения экологических проблем и устойчивого развития экономики страны.

**Ключевые слова:** экология, окружающая среда, экологическая экономика, экологическая экспертиза, экологический контроль, аудит, экологический аудит и стоимостной экологический аудит.

## THE RELEVANCE OF ENVIRONMENTAL AUDIT TODAY

**Misirov Komoliddin Mamasabirovich -**  
Fiscal Institute Department of accounting and audit

**Abstract.** This article discusses the experience of economically developed countries in ensuring sustainable socio-economic development of the countries of the world through environmental audit, reducing the anthropogenic impact on the environment, eliminating environmental problems and sustainable development of the country's economy.

**Key words:** ecology, environment, ecological economics, ecological expertise, ecological control, audit, ecological audit and cost ecological audit.

**Кириш.** Иқтисодиётнинг барқарор ривожланиши бевосита экологик фаолият билан узвий боғлиқдир. Шу сабабли иқтисодиётнинг барча тармоқларини атроф-муҳитга салбий таъсирларини минималлаштиришга алоҳида эътибор қаратишни талаб этади. Иқтисодиётнинг тобора глобал характерга эга бўлиб бораётгани экологик муаммоларни ҳал этишнинг кескинлиги ва зарурлигини англатмоқда ҳамда юзага келаятган экологик муаммо бутун дунёнинг эътиборини тортмоқда. Дунё мамлакатларининг географик жойлашуви ва иқтисодий ривожланиш даражасидан қатъий назар, барқарор иқтисодий ривожланишни назарда тутаяди. Барқарор ривожланиш сиёсатини ишлаб чиқиш учун унинг барча таркибий қисмларини иқтисодий, ижтимоий ва экологик жиҳатдан ўзаро боғлиқлигини ҳисобга олиш керак.

Экологик ва иқтисодий муносабатларни самарали бошқариш имконини берадиган ва экологик хавфсизликни таъминлашга хизмат қиладиган воситалардан бири - экологик аудитдир. Хўжалик юритувчи субъектларда экологик аудитни ўтказилиши инвестиция жозибадорлигини ошириш билан бирга уни иқтисодий жиҳатдан рағбатлантириш имконини беради.

Экологик хавфсизликни таъминлашда давлат сиёсатини амалга оширишда муҳим элемент экологик аудит ҳисобланиб, хўжалик фаолиятини амалга оширишда атроф-муҳитга таъсирини ҳар томонлама назорат ва таҳлил қилишни таъминлайди. Экологик аудит хўжалик юритувчи субъектнинг экологик фаолият самардорлигини оширишга охир-оқибат атроф-муҳитга антропоген юкнинг пасайишига олиб келади. Экологик аудитнинг моҳиятини ёритиш

учун аввало молиявий аудитга тўхталиб ўтиш зарур.

**Мавзуга оид адабиётлар таҳлили.** Бу борада хорижий ва маҳаллий иқтисодчи олимлари ўзларининг қуйидагича ёндашувларини келтирган. Э.А.Аренс, Дж.К.Лобекларнинг фикрича, «молиявий ҳисобот аудити жамланган молиявий ҳисобот (маълумотлари текширилиши мумкин бўлган) маълум мезонларга мос келиши ёки келмаслигини аниқлаш учун молиявий ҳисобот аудити ўтказилади» [5] деган фикрини билдирган.

Н.Ф. Каримов ва бошқалар «Корхона молиявий-хўжалик фаолиятининг аудиторлик текширувини ўтказишда ҳисобот шаклларидаги кўрсаткичлар, ҳисоб регистрлари ва дастлабки ҳужжатлар аудитнинг маълумот базаси сифатида қўлланилади» [6] деб таъкидлаган.

Т.В. Ножкинанинг фикрича - «Жаҳоннинг бир қанча мамлакатлари, жумладан АҚШ, Бельгия, Индонезия, Норвегия, Ямайка, Боливия, Франция, шунингдек, Европа Иттифоқи ва халқаро молиявий корпорациялар тадбиркорлар доирасига атроф-табiiй муҳитни бошқариш ва молиявий бозор рискни пасайтиришда ёрдам кўрсатиш учун, шунингдек, ишлаб чиқаришнинг хавфсизлигини таъминлашни текшириш учун экологик аудитдан фойдаланишни бошлади» [7].

В.И.Подольскийнинг таъкидлашича, «молиявий аудит (молиявий ҳисобот аудити) молиявий маълумотларнинг ишончлилигига баҳо беради. Молиявий аудит биринчи навбатда мустақил аудиторлар томонидан амалга оширилади, уларнинг иши молиявий ҳисобот бўйича хулоса беришдир» [8].

Б.С. Пункевич, А.К. Диброва каби баъзи

олимлар, «экологик аудитни таъминлаш имкониятини беришга рухсат бериш билан бирга, унинг қоидалари экологик аудитга тааллуқли эмас» [9] деб ҳисоблайди.

Т.В. Петрова, ушбу федерал қонунни «экологик аудитга нисбатан қўлланилиши мумкинлиги ҳақидаги позицияни нотўғри, деб ҳисоблайди. Шу нуқтаи назардан қарама-қаршилик кўрсатишнинг иложи йўқ, чунки молиявий ва экологик аудит элементлари ўхшаш ва тенгдир. Бундан ташқари, умумий аудитни ташкил қилиш ва амалга оширишнинг асосий схемалари асос сифатида қабул қилиниши ва экологик аудитда қўлланилиши мумкин» [10] лигини таъкидлайди.

Т.В. Сергееванинг таъкидлашича: «Экологик аудит – экологик фаолият ва атрофни муҳофаза қилиш тўғрисида ахборотни акс эттириш молиявий (бухгалтерия) ҳисоботлар ишончилиги ҳақидаги фикрларни тайёрлаш ва ифода этишнинг мустақил, ҳужжатлаштирилган жараёни ҳисобланади. У бухгалтерия ҳисоби ва экологик фаолиятнинг Россия Федерацияси қонунларига мувофиқлиги тўғрисидаги экологик аудит фаолиятининг элементи» [11].

И.Н. Қўзиев ва бошқалар «Молиявий ҳисобот аудити – бундай текширув молиявий ва бухгалтерия ходимлари томонидан ўтказилиб, асосан корхонанинг тўлов қобилияти, молиявий натижалар, сотиш жараёнларининг ҳисоботларида қанчалик даражада акс эттирилганлиги текширилади» [12].

Республикада экологик аудитни ташкил қилиш бўйича қуйидаги ишлар амалга оширилди. Жумладан, – «Экологик экспертиза тўғрисида»ги Қонун 2000 йил 25 майда қабул қилинган бўлса, 2013 йил 27 декабрда «Экологик назорат тўғрисида»ги [1] ЎРҚ-363-сонли Қонун билан янги таҳрирда қабул қилинди ва унда экологик аудит тушунчаси ўз аксини топди. Кейинчалик Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 8 октябрдаги «Экологик назорат соҳасидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш ҳақида»ги 286-сонли қарори билан «Экологик аудит тўғрисида»ги Низом [2] тасдиқланди.

Ўзбекистон Республикаси Аудиторлик фаолияти тўғрисидаги қонуннинг 32-моддасида аудиторлик текшируви қуйидагича келтирилган. Хўжалик юритувчи субъект молиявий ҳисоботининг ва у билан боғлиқ молиявий ахборотининг аудиторлик текшируви текшириладиган молиявий ҳисоботнинг ҳамда у билан боғлиқ молиявий ахборотнинг ишончилигини ва бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонунчиликка мувофиқлигини аниқлаш мақсадида аудиторлик ташкилоти томонидан ўтказилади [3].

Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил

15 мартдаги «Экологик аудит тўғрисида»ги ЎРҚ-678-сон Қонуннинг «Асосий тушунчалар» деб номланган 3-моддасида экологик аудит, экологик аудитор, экологик аудит объекти, экологик аудит субъекти, экологик аудиторлик ташкилоти, экологик аудиторлик фаолияти ва экологик аудит хулосаси [4] каби тушунчалар ёритиб берилган.

Хориж тажрибасини ўрганиш ва таҳлил қилиш шуни кўрсатдики, ҳозирги шароитда атроф-табiiй муҳитни муҳофаза қилиш учун сарфланаётган маблағларнинг самарадорлигини аниқлаш ва мақсадли сарфланишини назорат қилишда экологик аудитнинг аҳамияти ошиб боради. Хориж тажрибасидан келиб чиққан ҳолда экологик аудитни ташкил қилиш борасида республикамиз иқтисодий тизимида ҳам қизиқиш ошиб бормоқда, чунки у экологик сиёсатнинг деярли барча йўналишларини қамраб олади. Хориж тажрибасини инобатга олган ҳолда Республикада ҳам экологик аудит бўйича алоҳида қонунни қабул қилиш мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз.


**Тадқиқот методологияси.** Мамлакатининг ижтимоий-иқтисодий барқарор ривожланишида, молиявий ва ижтимоий ҳисоботларининг ишончилигини таъминлашга ҳамда инвестиция жозибадорлигини оширишда экологик аудит муҳим аҳамиятга эга эканлиги билан боғлиқ жиҳатлар ёритилган.

**Таҳлил ва натижалар муҳокамаси.** Ҳозирги кунда бутун дунё мамлакатлари экологик хавфсизлик тамойилларига риоя қилиш асосида тадбиркорлик фаолиятини оптималлаштириш ва такомиллаштириш воситаси сифатида экологик аудит ривожланишининг янги йўналиши очиб берилмоқда. Молиявий ва экологик аудит капитални жалб қилиш, инвестициялар қўламини кенгайтириш, инновацияларни жорий этиш, ресурсларни тежаш, экологик харажатларни камайтиришда молиявий ва экологик аудитни ривожлантириш муҳим йўналишларидан бири ҳисобланади. Экологик аудитнинг молиявий аудит билан ўзаро алоқадорлик жиҳатларига эътибор қаратиш талаб этилади. Молиявий ҳисоботда экологик харажатлар ва мажбуриятлар тўғрисидаги маълумотларнинг етишмаслигини қоплаш учун хўжалик юритувчи субъектларининг ахборот шаффофлиги билан бевосита боғлиқ бўлган ва ўз фаолиятининг иқтисодий, ижтимоий ва экологик жиҳатларида корхона томонидан ишлаб чиқарилган қўшимча ижтимоий қийматни баҳолашнинг имкони мавжуд эмас.

Молиявий аудитда хўжалик юритувчи субъектларнинг иқтисодий ва молиявий ҳисоботларида акс эттириладиган барча муомалаларнинг аудити тушунилади. Хўжалик юритув-

чи субъектларда молиявий ҳисобот аудитининг қонуний-меъёрий асоси сифатида аудитнинг халқаро стандартлари муҳим ўрин тутиб, у ушбу касб билан шуғулланишнинг муайян меъёрларини белгилаб беради. Молиявий аудитда хўжалик юритувчи субъектнинг, шунингдек молиявий ҳисоботдан фойдаланувчилар, бухгалтерия ҳисоботи ва ҳисоботни тартибга солиш тизимидаги ўзгаришлар, бу барча манфаатдор томонларнинг манфаатларини ҳисобга оладиган уларнинг харажатлари ва фойдаси тўғрисидаги ишончли маълумотларни олиш имконига эга бўлиши зарур. Аудитор хўжалик юритувчи субъект фаолияти билан тўлиқ танишиши керак, шунингдек аудитор нафақат бухгалтерия маълумотларини, балки кенг маълумот олишини назарда тутати. Бу бир томондан, аудиторлик текшируви сифатини ва ҳисоботнинг ишончлилигини тўғрисидаги хулосаларнинг ишончлилигини таъминлайди, бошқа томондан эса аудитор хулосалари доирасини кенгайтиради.

Экологик аудит хўжалик юритувчи субъектларнинг ҳисоб сиёсатида фаолият жараёнларидан келиб чиқиб ички шахсий эҳтиёжларига йўналтирилади. Шунинг учун экологик аудитни ўтказиш хўжалик юритувчи субъектнинг ҳисоб сиёсатида алоҳида белгилаб олиши зарур. Қуйидаги 1-расмда экологик аудитнинг қиёсий таҳлили келтирилган.



1-расм. Экологик аудитнинг қиёсий таҳлили

Манба: муаллиф томонидан тайёрланди.

Экологик аудит ушбу муносабатларни бирлаштиришда, атроф-табиий муҳитни муҳофаза қилишнинг ташкилий ва иқтисодий омилларини ўз ичига олади. Бу атроф-табиий муҳитни муҳофаза қилиш тузилмалари учун энг мақбул вариантни танлашга, атроф-табиий муҳитни муҳофаза қилиш воситаларининг ҳолати ва ишлаш даражаси устидан ахборот-таҳлилий назоратни ташкил этишга, режалаштирилган техник ва технологик яхшиланишига иқтисодий баҳо беришга имкон беради. Экологик хавфсизлик тизимига интеграциялаш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, оқилона бошқариш соҳасидаги қонунчилик талабларини кучайтиришда аудиторлик фаолиятида янги йўналиш ҳисобланиб, жамиятнинг барқарор ривожланишини таъминлашда экологик аудит муҳим аҳамият касб этади.

Экологик аудит методологиясининг асосий элементлари бўлган экологик аудит, экологик аудитор, экологик аудит объекти, экологик аудит субъекти, экологик аудиторлик ташкило-


ти, экологик аудиторлик фаолияти ва экологик аудит хулосасини беришга доир таклифи Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 15 мартдаги «Экологик аудит тўғрисида»ги ЎРҚ-678-сон Қонуннинг «Асосий тушунчалар» деб номланган 3-моддасида ўз аксини топган. Натижада берилган таклиф хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятида экологик аудитни ташкил этиш ва ўтказишнинг иқтисодий моҳиятини очиб беришга хизмат қилган.

Экологик аудит ижтимоий-иқтисодий ривожланиш, шу жумладан, бошқарув тузилмасини шакллантиришда, хўжалик юритувчи субъектларнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятларини белгилаш, экологик харажатларни ҳисобга олишда экологик стандартлар муҳим ўрин эгаллайди. Экологик аудитнинг бошқа аудит турларидан асосий фарқи шундаки, у ҳар доим катта вақт ва куч сарфлаш билан бирга келадиган хўжалик юритувчи субъектларнинг табиий ресурслардан фойдаланишдаги фаолияти ва атроф-муҳитнинг ифлосланиши тўғрисидаги

тахминий маълумотларнинг тўпланиши, таҳлил қилиниши ва ҳужжатлаштирилишини талаб қилади. Экологик аудитни ўтказиш тадбиркорлик субъектлари атроф-табiiй муҳитни муҳофаза қилиш, табиатни бошқариш ва экологик хавфсизлик соҳасидаги талабларга мувофиқлигини реал баҳолашга, баҳоланадиган ҳудуддаги заиф томонларни аниқлашга ва тузатиш чораларини ишлаб чиқишга имкон беради. Экологик аудитнинг роли, шунингдек, экологик ҳуқуқбузарликларни илгари аниқлаш воситаси сифатида жуда муҳимдир. Атроф-муҳитни ҳисобга олишнинг ажралмас қисми бўлиб экологик аудит ҳисобланади, бу ҳўжалик юритувчи субъектнинг фаолияти ўртасидаги муносабатларни мунтазам ра-

вишда баҳолаш имконини беради. Мамлакатнинг экологик ва иқтисодий ҳолатини унинг ва экологик кўрсаткичларда акс этишини баҳолашда ёндашувларини ҳисобга олган ҳолда, биз миллий иқтисодиётни ажратиб кўрсатишимиз мумкин.

Ҳозирги кунгача жамиятда экологик аудит, жумладан, экологик харажатлар аудитининг моҳияти тўғрисида умумий тушунча мавжуд эмас. Унинг аҳамияти ва давлат бошқарув тизимидаги ўрни аниқланмаган, бу турли хил талқинларга олиб келади. Экологик аудит тушунчасини қуйидаги расмдан кўриш мумкин (2-расм):



2-расм. Экологик аудит тушунчасининг талқини

Манба: муаллиф томонидан тайёрланган.

Экологияни тартибга солишнинг иқтисодий механизми бу ҳўжалик юритувчи субъектлар ва юқори органлар ўртасида бўладиган ўзаро муносабатларнинг мураккаб кўп даражали тизими ҳисобланади. Экологик аудит ушбу муносабатларни бирлаштиришда, атроф-муҳитни муҳофаза қилишнинг ташкилий ва иқтисодий омилларини ўз ичига олади.

Экологик аудитнинг асосий вазифалари сифатида экологик аудит субъекти ҳўжалик ва бошқа фаолиятининг экологик жиҳатлари тўғрисидаги ишончли ахборотни тўплаш, экологик аудит субъектининг бошқа фаолиятини техник жиҳатдан тартибга солиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш соҳасидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талабларига мувофиқлигини аниқлаш, экологик аудит субъекти фаолиятининг атроф-муҳит ҳолатига таъсирини баҳолаш, экологик аудит ҳулосасини тузиш, экологик аудит субъекти томонидан амалга ошириладиган табиатни муҳофаза қилишга оид тадбирлар самарадорлигини ошириш, атроф-муҳитни бошқариш тизимини такомиллаштириш бўйича таклифи Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 15 мартдаги «Экологик аудит тўғрисида»ги ЎРҚ-678-сон Қонунининг «Экологик аудитнинг асосий вазифалари» деб номланган б-моддасида

ўз аксини топган. Ҳўжалик юритувчи субъектлар фаолияти тўғрисидаги ишончли ахборотни тўплаш, техник жиҳатдан тартибга солиш ва экологик аудитни ўтказишнинг асосий вазифаларини белгилаб олиш имконияти яратилган.

Келажакда ижтимоий-иқтисодий муаммоларни мувозанатли ҳал этишга ва атроф табиий муҳитнинг қулай сифатини сақлашга қаратилган Ўзбекистон Республикасини барқарор ривожлантириш бўйича давлат стратегиясини амалга оширишда муҳим йўналиш бу атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш воситаси сифатида экологик аудит ҳисобланади. Ушбу ҳолат Ўзбекистон жаҳон иқтисодиёти ва халқаро экологик хавфсизлик тизимида кўшилиш зарурати, шунингдек, атроф-табиий муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги қонунчилик талабларини кучайтириш билан боғлиқ.

Экологик ҳисоб ҳўжалик юритувчи субъектнинг молиявий бўлмаган фойда ва харажатларини таҳлил қилиш, таваккалчиликларни ўз ичига олади ҳамда назорат қилиш тизими ҳисобланади.

Атроф-табиий муҳитни бошқариш ва муҳофаза қилиш соҳасидаги тадбирлар атроф-табиий муҳит активлари ва мажбуриятларини баҳолашда унинг самарадорлигига алоҳида

эътибор қаратишни талаб этади. Шу сабабли, аудиторлик ташкилоти экологик аудитни ўтказиш жараёнида хўжалик юритувчи субъектнинг атроф-муҳитнинг ифлосланишига ўз таъсирини ўтказишини баҳолаш зарурдир. Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасини ривожлантириш учун энг муносиб ечимларни ишлаб чиқишга ёрдам берадиган, қабул қилинган қарорларнинг қабул қилишда экологик аудитнинг самарали бўлишини баҳолаш имконини беради.

**Хулоса ва таклифлар.** Экологик аудит ва молиявий аудит капитални жалб қилиш, инвестицияларни ривожлантириш, ноу-хау, ресурсларни тежаш, экологик харажатларни камайтириш ҳамда ҳоказолар бўйича иқтисодий ва экологик баҳолашни амалга ошириши керак. Экологик аудит экологик ҳисобнинг ажралмас қисми бўлиб, бу хўжалик юритувчи субъектларининг алоҳида соҳалари ва атроф-муҳит ўртасидаги муносабатларни мунтазам равишда баҳолаш имконини беради. Экологик аудитда экологик харажатлар ва мажбуриятлар тўғрисидаги маълумотларни тақдим этиш, очиб беришнинг тўлиқлиги, сифатини баҳолаш бўйича таҳлилий жараёнларни бажариш орқали экологик фаолиятга доир экологик ҳисоботларни тузади.

Аудитнинг яқуний босқичида экологик харажатлар тўғрисидаги ахборотни ҳисоботга тақдим этади ва унга доир маълумотларни очиб беришда аудиторлик хулосасида экологик харажатлар бўйича жараёнларни ўтказиш таклиф этилади. Хўжалик юритувчи субъектларда тизимли экологик ҳисоб юритиш амалга оширилмаяпти ва атроф-муҳитнинг алоҳида тадбирлари, яъни давлат экологик экспертизаси, мониторинги, атроф-муҳитга таъсирини баҳолаш, хўжалик юритувчи субъектларни табиатдан фойдаланишни лицензиялаш ҳамда ушбу фаолият натижасида атроф-муҳит фаолиятига етказилган зарарни баҳолаш амалга оширилмоқда.

Юқоридагилардан келиб чиқадиган бўлсак, хўжалик юритувчи субъектнинг жамоатчилик ҳисоботининг ривожланиш даражасининг инвесторларни ва жамиятни ишончини кучайтириш, рақобатбардошлигини ошириш, коррупцияни камайтириш, қулай инвестиция муҳитини яратиш, барқарор ривожланишни таъминлаш ва ижтимоий масъулиятни намоён этиш учун зарур бўлган ахборот шаффофлигига бўлган интилишини баҳолашга имкон беради.

#### Манба ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикасининг 2013 йил 27 декабрдаги ЎРҚ-363-сон «Экологик назорат тўғрисида»ги Қонуни. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й., 52-сон, 688-модда; Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 10.01.2018 й., 03/18/459/0536-сон; 17.08.2021 й., 03/21/708/0799-сон.
2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 8 октябрдаги 286-сон «Экологик назорат соҳасидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш ҳақида»ги Қарори. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2015 й., 41-сон, 525-модда; Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 15.11.2017 й., 09/17/915/0259-сон, 07.03.2019 й., 09/19/195/2712-сон.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 19 сентябрдаги ПҚ-3946-сон «Ўзбекистон Республикасида аудиторлик фаолиятини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 20.09.2018 й., 07/18/3946/1955-сон; 21.04.2022 й., 06/22/113/0330-сон.
4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 7 сентябрдаги ВМҚ-541-сон «Атроф-муҳитга таъсирни баҳолаш механизмининг янада такомиллаштириш тўғрисида»ги Қарори. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 07.09.2020 й., 09/20/541/1260-сон; 30.04.2022 й., 09/22/230/0377-сон.
5. Ўзбекистон Республикаси 2021 йил 25 февралдаги ЎРҚ-677-сон. «Аудиторлик фаолияти тўғрисида»ги Қонуни. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 26.02.2021 й., 03/21/677/0155-сон, 21.04.2022 й., 03/22/765/0332-сон.
6. Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 15 мартдаги ЎРҚ-678-сон «Экологик аудит тўғрисида»ги қонуни 8-модда. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 16.03.2021 й., 03/21/678/0205-сон.
7. Аренс А.Э., Лобек Дж.К. Аудит: Учебник. – М.: Финансы и статистика, 2001. С.12.
8. Подольского В.И. Аудит: Учебник. – М.: Юнити UNITY, 2011. С. 29.
9. Qo'zиеv I.N va boshqalar. Audit: Darslik. – Т.: Iqtisod-Moliya, 2019. 186. 416 b.
10. Karimov N.F va boshqalar. Amaliy audit. Darslik. – Т.: «Lesson Press» 2021. 199 b.
11. Ножкина Т.В. Международный аудит. Петропавловск-Камчатский: Камчат. ГТУ, 2007.13-21с.
12. Сергеева Т.В. Экологический аудит: Учеб.пособие для студентов вузов. – М.: Юнити-Дана, 2005.
13. Пункевич Б.С., Диброва А.К. Экологический аудит: правовая и нормативная основа // Стандарты и качество. 2005. № 4.
14. Петрова Т.В. Правовые проблемы экологического аудита // Аграрное и земельное право. 2007. № 1.